# Тошкент оқшоми

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 10 (8.900) * 1997 йил 24 январь, жума * Сотувда эркин нархда


Ўзбекистон Қаҳрамони ҳузурида

## ОРЗУЛИ ДУНЁ

***Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат ҳиссадорлик жамиятининг оддий чилангар-йиғувчиси Эркин Алимуҳамедовнинг номи бугунги кунда барчага маълум ва машҳур. Чунки у Ўзбекистон Қаҳрамони. Қаҳрамон бўлганда ҳам бу олий нишонга сазовор бўлган дастлабки қалдирғочлардан. Яқинда биз Қаҳрамон ҳузурида бўлиб, у ишлаётган корхона ҳаёти, келажаги, ишчилар кайфияти хусусида суҳбатлашдик.***

**— Эркин ака, тақдир тақозоси билан иккинчи бор сиз билан юз кўришиб турибмиз. Эсингизда бўлса газетамизнинг 1995 йилдаги янги йил сонида эълон қилинган «Орзуларни учирган қанотлар» сарлавҳали мақолада босиб ўтган ҳаёт йўлингиз ҳақида ҳикоя қилган эдик...**

— Яхши эслатдингиз. Худди кечагидек эсимда. Ўша вақтлар ҳаётимнинг энг унутилмас дамлари эди. Жонажон Ўзбекистонимнинг энг бахтли инсонларидан бири эканлигим билан ҳозирда ҳам фахрланаман.



**— Кўз ўнгимизда мустақиллигимиз йилдан йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Шу маънода ўтган йил ҳам ҳаммамиз учун унутилмас ва ҳаяжонли воқеаларга бой бўлди. Янги йилимиз янада қутлуғ бўлишига эса ишончимиз комил. Масалан, «Туркистон» саройида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг тўрт йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Президентимиз «1997 йил — Инсон манфаатлари йили бўлсин» деб таъкидлаганларининг ўзи ҳам юқоридаги фикримизнинг тўғрилигини исботлаб турибди.**

— Ҳақ гапни айтдингиз. Дарҳақиқат, ҳар бир инсон умид билан яшайди. Орзу-ҳавасга эришиш, юрт камоли, фарзандларининг роҳатини кўриш унинг бирдан бир истаги. Озодлик учун жон фидо қилган ота-боболаримизга бундай бахтиёр дамларни кўриш афсуски насиб этмади. Шундай экан, биз фарзандлар вазифаси аждодларимиз дилида кетган орзу-армонлар ва истакларни рўёбга чиқаришдан иборат. Бунинг учун садоқат билан она-Ватанга хизмат қилишимиз керак. Юртбошимиз айтганларидек, келажак бугундан бошланади. Шундай экан, эртанги фаровон турмушимизни ҳар биримизнинг бугунги унумли меҳнатимиз белгилайди.

**— Келинг, яхшиси бу фикрни сиз ишлаётган корхона фаолиятига боғлаб кўрайлик.**

— Ўтган йилнинг май ойидан бошлаб корхонамиз янгича усул — давлат ҳиссадорлик жамиятига ўтиб иш кўра бошлади. Янгилик туфайли меҳнатимиз ўзига хос мазмун касб этди. Корхона мутасаддилари бошқа давлатлардаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмалари билан алоқа боғлашга киришдилар. Натижа ёмон бўлмади. Исбот учун бир нечта мисол келтиришим мумкин. Хусусан Хитой Халқ Республикасидаги «Лунчи» фирмаси билан шартнома имзолаб уларга иккита самолётимизни сотдик. Шу ҳисобга корхонамизга 34 миллион АҚШ доллари келиб тушди. Шунингдек, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси билан ҳам иккита «ИЛ-76 ТД» самолётимизни янгича лизинг усулида ҳақ тўлаш йўли билан харид қилиш учун шартнома имзоладик. Бундан ташқари мана шу «ИЛ-76 ТД» русумли самолётимиздан иккитасини республика товар хом ашё биржасига савдога қўйдик. Ўтган йилнинг сентябрь ойи ўрталарида яна бир ижобий ўзгариш рўй берди. Корхонамиз жамоаси ишлаб чиқарган «ИЛ-114 Т» юк самолёти ҳавога кўтарилди. Янги кемамиз юқори тезлик имкониятларига эга бўлиб, 40 тонна юкни бемалол кўтара олади.

Шу кунларда икки турдаги самолётимизга сертификат олиш арафасидамиз. Яна бир қувончли хабар: «ИЛ-76» МФ» самолётимиз Хитойнинг Чжухай шаҳридаги аэрошоуда намойиш этилди. Корхонамиз меҳнат аҳли халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришни ҳам бир зум сусайтирмаяпти. Ҳозирда 140 турда тайёрланаётган бундай маҳсулотларимизни аҳоли мамнуният билан харид қилмоқда.

**— Юқоридагилар умум корхона мисолидаги гаплар. Энди икки оғиз ўзингиз меҳнат қилаётган 16-цех ҳақида ҳам тўхталсангиз.**

— Жамоамизда самолётнинг энг керакли қисми — қанотлар учун зарур деталлар ишлаб чиқарилади. Кўриб турибсизки, ишимиз ўта масъулиятли. Цехнинг 300 дан ортиқ турли миллат вакилларидан ташкил топган аъзолари бир-бирлари билан оғаинидек бўлиб кетишган. Меҳрибончилигимизни кўриб туриб севиниб кетаман. Бошлиғимиз Иван Семёнович Шубиннинг ўзи ўта одамшаванда, заҳматкаш, тадбиркор. Ҳар қандай масалаларни оқилона, зукколик билан ҳал эта оладиган раҳбар. Биз ҳамиша ундан ибрат оламиз.

Биласизми, баъзан ҳавода «ИЛ-76» парвоз қилиб қолса борми, у кўзга кўринмас бўлиб кетгунча термулиб қоламан. Чунки унинг яратилишида цехимиз ишчиларининг ҳам улуши бор-да. Менимча бу меҳр, бу фахр ҳалол меҳнатимизга садоқат, эртанги юксак парвозимизга комил ишонч туйғусидан бўлса керак. Тақдир менга шундай улуғвор ажойиб инсонлар бор бўлган корхонада ишлашни насиб этганидан бениҳоя мамнунман. Шундай катта жамоада 40 йиллик умрим бесамар ўтмаганидан хурсандман. Николай Мирзабеков, Владимир Остафин каби ҳамкасбларим билан ёнма-ён ишлаётганимдан, Муса Мусаев сингари кўплаб шогирдларим борлигидан бахтиёрман.

**— Инсон ҳамиша узоқ манзилни кўзлаб яшайди. У ўйлаган мақсадига етиб довон ошдими, энди унинг олдида яна бир бошқа янги орзу пайдо бўлади. Хуллас, олға томон интилганимиз интилган. Албатта сизда ҳам келажак режалари бисёр бўлса керак?**

— Ҳар бир кишининг ойдин мақсади, аниқ режаси бўлади. Менинг ҳам, мен ишлаётган цех, корхонамизнинг ҳам келажак режалари, ўз олдига қўйган аниқ вазифалари бор. Уларни олдиндан бирма-бир санагандан кўра, яхшиси, улар ҳар бир кун нафасида ишлаб чиқаришда ўз аксини топгани, ҳамшаҳарларимиз кунба-кун уни амалий натижасини кўриб турганлари маъқул. Мана шуниси кўпроқ ҳақиқатга тўғри келади.

*Суҳбатдош Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.*



*«Қизил тонг» ҳиссадорлик жамиятида тикиб чиқарилаётган аёллар пальтоси, кўйлаги, плашчлари қаторига эркаклар костюми ҳам қўшилган. Ҳозирги кунда корхона тамғасини жаҳон бозорида ҳам тан олишмоқда.*

*СУРАТДА: эркаклар костюмини тикишда илғорлар сафидан ўрин олган Шоҳида Турсунова, Назира Азизова ва София Ильясовалар.*

*Рустам Шарипов олган сурат.*

## ОШКОРА МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида 22 январь куни мамлакат оммавий ахборот воситалари раҳбарлари билан учрашув бўлиб ўтди. Очиқ мулоқот тарзида ўтган бу учрашувни республика Бош вазирининг ўринбосари А. Азизхўжаев бошқарди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва ҳукуматимиз республика оммавий ахборот воситалари ишини янада ривожлантиришга катта аҳамият бераётгани учрашувда алоҳида таъкидлаб ўтилди. Оммавий ахборот воситаларида чоп этилаётган ҳар бир материал ҳаққоний, холис бўлиши лозим. Мамлакатимизда амалга оширилаётган буюк ўзгаришларни оммавий ахборот воситалари кенг тарғиб этиши даркор. Матбуот саҳифаларида, телевидение ва радиода маънавиятимиз юксак даражада акс этиши зарур.

Учрашувда ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида оммавий ахборот воситалари саҳифаларида чоп этилаётган мақолаларнинг сифатига алоҳида аҳамият бериш, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий мавзуларда кўпроқ ёзиш, ижодда бир ёқламаликка йўл қўймаслик, меъёрни унутмаслик, шунингдек, журналист ходимларнинг малакасини ошириш учун уларни қайта ўқитиш ва бошқа масалаларга, мавжуд муаммоларни биргаликда, ҳамжиҳат бўлиб бартараф этиш йўлларига эътибор қаратилди.

Учрашувда сўзга чиққан Ў. Ҳошимов, Р. Шоғуломов, А. Орипов, С. Саидвалиев, А. Хўжаев, З. Ҳакимов, А. Мелибоев ва бошқалар матбуотнинг таъсирчанлигини ошириш, юртбошимиз томонидан қўйилган вазифаларни бажариш учун нималар қилиш лозимлиги ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

(ЎзА).

Соғлом авлод учун

## «АЁЛ ВА САЛОМАТЛИК»

***Яқинда шаҳар она ва бола соғлиғини сақлаш марказида «Аёл ва саломатлик» мавзусида Республика илмий-амалий семинари бўлиб ўтди.***

Сўнгги йилларда оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, оилаларни мустаҳкамлаш, қизларни турмушга тайёрлаш, туғилаётган болаларнинг соғлом туғилишига ва уларни тарбиялаш каби масалаларга катта эътибор берилаётганлиги ушбу йиғиннинг ўтказилишига асос бўлди. Лекин бу галги тадбир бошқача аҳамият касб этди. Чунки, биринчидан, унинг таркиби бошқача эди. Унда туман маҳаллалари аёллари, шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси вакилларидан бошлаб оддий талабагача ҳамда шаҳримиздаги турли корхона, ташкилот хизматчиларигача бир жойда йиғилган эди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Атҳамжон Миржалилов ўзининг кириш сўзида аҳоли соғлиғи масалалари билан шуғулланиш, аёлларимизнинг соғлом бўлишини таъминлаш бугунги куннинг дастурий мақсадларидан бири эканлигини таъкидлади.

Шунингдек, семинарда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси Фарида Абдураҳимова, Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари Озода Муҳитдинова, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бошқармасининг катта маслаҳатчиси Мавлуда Отахўжаева, Тошкент Давлат педагогика институтининг докторанти Нурмат Соғинов, Тошкент шаҳар Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси бошлиғи Собир Саидкаримов, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи Малика Зиёева ва бошқалар ўз маърузалари билан қатнашдилар.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитасининг раиси Дилбар Ғуломова сўзга чиқди.

*Дония ЗОКИРОВА.*

Ҳамшаҳарлар, сизлар учун

## ЯНГИ «ТАТРА»ЛАР ЙЎЛГА ЧИҚДИ

Инсон манфаатлари йилининг дастлабки кунлариданоқ транспорт мутасаддилари йўловчиларга қулайлик яратишга бел боғлашди.

Шаҳримиздаги трамвай-троллейбус қатновининг яхши йўлга қўйилишида Чехиядан келтирилган «Татра» ва «Шкода» русумли трамвай ва троллейбусларнинг хизмати катта. Бу йил уларнинг сафи янада бойиди.

— Йўловчилар эътиборини қозониш, уларга маданий хизмат кўрсатиш асосий бурчимиздир, — дейди «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси эксплуатация бўлими бошлиғи Ғайрат Аҳмедов. — Мавжуд 2 та трамвай-троллейбус саройларининг ҳар бирига 5 тадан янги «Татра» трамвайлари тарқатилди. 10 та «Шкода» русумли троллейбуслар 3-трамвай-троллейбус саройига, 5 таси эса 2-трамвай-троллейбус саройига берилди. Бу ерда меҳнат қилаётган малакали, ёш ва тажрибали ҳайдовчилар кўрсатилган йўналишлар бўйича троллейбуслар ва трамвайларни бошқаришмоқда. Шундай қилиб айни вақтда шаҳримизда 280 та трамвай, 280 та троллейбус ҳамюртларимиз хизматида.

*Гули АБДУЛЛАЕВА.*

Меҳмонларимиз

## «ТОШКЕНТ ЖУДА АЖОЙИБ ШАҲАР»

***Гўзал ва бетакрор юртимиз, мустақил республикамизда хорижий мамлакатлар билан барча соҳаларда ҳамкорлик кенг йўлга қўйилмоқда. Пойтахтимиз кўчаларида, хиёбонларида турли тилларда сўзлашаётган хорижлик меҳмонларни, турли касб вакилларини учратиш мумкин. Улар орасида ишбилармонлар, тадбиркорлар, олимлар, журналистлар ва бошқа касб эгаларини учратасиз. Бугунги суҳбатдошимиз — германиялик Габриеле Бауман хоним. Унинг касби — таржимонлик, Лейпциг яқинидаги Ремшайд шаҳридан. Хизмат юзасидан яқинда республикамизга ташриф буюрган. Биз Бауман хоним билан суҳбатлашдик.***

**— Бауман хоним, марҳамат қилиб айтингчи, бу — республикамизга биринчи ташрифингизми?**

— Йўқ, республикангизда илк бор 1986 йилда бўлганман. Шунингдек, ўтган йилнинг августида ҳам келганман. Бу менинг Ўзбекистонга учинчи ташрифим.

**— Касб-корингиз, ташрифингиз хусусида сўзлаб берсангиз.**

— Касбим — таржимонлик. Хизмат юзасидан мана, Янги йилни ҳам Тошкентда кутиб олдим. Ҳозир Германияда ҳаво совуқ, бу ерда эса баҳордагидек илиқ десам ҳам бўлади. Мен турли-туман конференцияларда, маданий-маърифий тадбирларда таржимон сифатида қатнашдим.

**— Тошкент сизга ёқдими? Ўзбекистоннинг яна қайси шаҳарларида бўлдингиз?**

— Касбим тақозоси билан Самарқанд, Бухоро, Хива, Урганч шаҳарларида бўлдим. Тошкент жуда ажойиб шаҳар. Юқорида айтганимдек, Янги йилни шаҳрингизда кутиб олдим. Кўплаб ўзбек хонадонларида меҳмон бўлдим. Халқингиз жуда меҳмоннавоз, оққўнгил. Шаҳар об-ҳавоси ҳам одамларига ўхшаб, илиқ, мўътадил. Дарвоқе, бу ерда жуда кўп юртдошларимни ҳам учратдим. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг тобора ривожланиб бораётганлигини ана шундан ҳам билиб олса бўлади.

**— «Тошкент оқшоми» газетхонларига тилакларингиз?**

— Мен «Тошкент оқшоми» муштарийларига янги омадлар ёр бўлишини тилайман. Ўйлайманки, шаҳрингизда яна кўп марта дийдорлашамиз.

*Мирзаали АКБАРОВ суҳбатлашди.*

## БУГУНГИ КУН НАФАСИ

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 22 январь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Афғонистондаги махсус миссияси раҳбари Норберт Холлни қабул қилди.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон бадиий академиясини ташкил этиш ҳақида»ги Фармони эълон қилинди.
- 22 январь куни БМТнинг Афғонистондаги махсус миссияси раҳбари Норберт Холл Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига ҳам ташриф буюриб, вазир Абдулазиз Комилов билан учрашди.
- Ўзбекистон «Маҳаллий саноат» давлат корпорациясида бўлган Вазирлар Маҳкамаси Халқ истеъмол моллари, савдо ва пуллик хизмат мажмуининг сайёр мажлисида маҳаллий саноат тизимидаги корхоналарнинг ўтган йилги фаолияти якунлари ва жорий йилдаги вазифалари муҳокама қилинди.
- 22 январь куни Фан ва техника давлат қўмитасида Американинг «Новелл» фирмаси вакиллари Ўзбекистоннинг бир қанча олий ўқув юртларига компьютер дастурларини совға сифатида топширди.
- Хўжайли темир йўл станцияси ходимларига муносиб туҳфа ҳозирланди. Улар учун 120 ўринли шифохона қуриб берилди. Айни пайтда бу ерда 150 кишига тиббий хизмат кўрсатадиган поликлиника ҳам ишлаб турибди.
- Республика Адлия вазирлигининг «Адолат» нашриёти «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси»ни ўзбек ва рус тилларида алоҳида китоб тарзида нашр этди.
- Урганчда «Ғаллабанк», «Зоминбанк» ва «Пахтабанк»нинг вилоят бўлимлари компьютер ускуналари билан жиҳозланган замонавий биноларга кўчиб ўтди.
- Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг раёсатида ижтимоий-гуманитар фанлар бўлимининг илмий анжумани бўлиб ўтди.

### ҲАМДЎСТЛИКДА

- Россия Федерацияси Давлат думаси ўз мажлисида мамлакат Президентини саломатлиги туфайли вазифасидан четлаштириш тўғрисидаги ҳужжат лойиҳасини қабул қилди. Бироқ уни тасдиқламади. Афтидан февраль ойида бўладиган мажлислардан бирида Давлат думаси ана шу масалани қараб чиқса керак. Шу билан бир қаторда Россия Президенти Борис Ельцин хасталикдан кейин ўз вазифаларини янада фаоллик билан адо этишга киришмоқда.
- Арманистон билан Россия ёқилғи-энергетика тармоғидаги ҳамкорликни кенгайтириш режалари кўзда тутилган битимни имзолади. Жумладан, бу битимда Россия газини Арманистон ва Грузия ҳудуди орқали Туркияга етказиб бериш тўғрисида ҳам сўз бормоқда.
- Россия Федерациясининг Ҳамдўстлик давлатлари ишлари бўйича вазири А. Тулеев Россия ва Беларуссия 2000 йилга бориб бирлашишлари керак, деб айтди.
- Ашгабатда Марказий Осиё республикалари делегациясининг энергетика муаммоларига бағишланган учрашуви бўлиб ўтди.
- Украина Президенти Леонид Кучма икки мамлакат ўртасидаги товар айланмасини оширишга қўшган шахсий ҳиссаси учун «Польша бизнес клуби» мукофотига сазовор бўлди.

### ХОРИЖДА

- Кеча Лондонда Кавказорти муаммоларига бағишланган халқаро учрашув ўз ишини бошлади. Унда Тоғли Қорабоғ, Абхазиядаги вазият муҳокама қилинмоқда.
- Канада ташқи ишлар вазири иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида расмий ташриф билан Кубага борди.
- Югославия мухолифатчиларининг етакчиси Вук Драшкович Сербия президенти Слободан Милошевичга ўн кун мобайнида муҳолифатчиларнинг муниципиал сайловлардаги ғалабасини тан олишни қатъий талаб қилди. Агар маъмурлар бунга тўлалигича кўнмасалар Югославияда унинг фикрича «ижтимоий портлаш» юз бериши ва «одамлар қони» дарёдек оқиши мумкин.
- Тайван Францияда ишлаб чиқарилган «Мика» русумидаги 960 та «Ҳаво-ҳаво» туркумидаги ракетани сотиб олди.
- Исроилнинг Ф-15 русумли жанговар самолёти ҳаво машқлари пайтида қулаб тушди. Мамлакат жанубида рўй берган ҳалокат сабаблари ўрганилмоқда.

## «ОҚШОМ»НИНГ УШБУ СОНИДА:

***«Илмлилар минг яшар» дейдилар. Илм олишга муҳаббат ҳар биримизнинг қалбимизда, қонимизда бор. Чунки юксак маънавиятли, маърифатли тарихнинг ворисларимиз! Маънавият эса миллат кўзгусидир. Бинобарин, тарихнинг саҳифаларини нурли қилиш ҳар биримизнинг қўлимиздан келади. Бунинг учун қунт билан илм олиш керак...»***

*«Илм олганнинг умри боқий» сарлавҳаси остида профессор Садир Салимов билан бўлган ушбу суҳбатни ўқисангиз билим қадимдан барча сирларнинг калити эканлигидан, илм инсонга энг ишончли дўст, ҳамроҳ, илм олиш эса инсон учун биринчи галдаги вазифа — фарз айн эканлигидан воқиф бўласиз.*

2-БЕТ

***«Ўз фикрларини табиат ойнаси қилиб олган киши бахтлидир. Кимки соф моддий манфаатдан кечиб, ўз ҳис-туйғуси, руҳи ва тафаккури дунёсида яшаса, ўша одам саодатманддир. Бахтни ҳашаматли уйда, хаёлий қасрда деб эмас, балки меҳнатда деб билган киши донодир...»***

*«Бахт нима?» рукни остидаги фалсафий-публицистик мақолада Сурия адиби Амин Ар-Райҳоний бахтнинг нималиги, унинг моҳияти нималардан иборат эканлигини ажойиб далиллар билан исботлаб берган.*

3-БЕТ

*27 январдан 2 февралга қадар «Ойнаи жаҳон» ҳафталик кўрсатувларидан воқиф бўламан десангиз, тижорат хабарлари ва эълонлар билан танишмоқчи бўлсангиз бу саҳифага кўз югуртиринг.*

4-БЕТ

